DOI: 10.47980/TLOI/2020/4/22

СУҲРОБ СИПЕҲРИЙ ИЖОДИДА “ИНСОН ВА БОРЛИҚ” ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВЫРАЖЕНИЕ СВЯЗИ МЕЖДУ «ЧЕЛОВЕКОМ И БЫТИЕМ» В ПРОИЗВЕДЕНИИ СУХРАБА СИПЕХРИ

AN ARTISTIC EXPRESSION OF THE CONNECTION BETWEEN “MAN AND THE UNIVERSE” IN THE WORKS BY SUHRAB SIPEHRI

Nargiza SHOALIEVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Candidate of Philological Sciences, Senior Lecturer
Department of the Uzbek
language and oriental classical literature.
nshoaliyeva74@mail.ru
UZBEKISTAN, 100011, Tashkent, st. A.Kodyri, 11.

Safar ABDULLOH,
Abylaikhan Kazakh University of International Relations
and World Languages, Department of
Languages and Translation (Middle East).
Candidate of Philology, Professor.
www.safarabdulloh.kz

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада Эрон шеъриятининг XX аср бошларидаги “Шеър-и ноу”нинг шаклланиши ва тараққиётида анъанавий ирфоний тафаккурнинг янги мазмунда қайта поэтик идрок этишни бошлаб берган, шеъриятда инсон, эътиқод ва ирфон (дунёни ва ўзликни англаш) муносабатларини ўзгача талқинда ифода этган шоир ва рассом Суҳроб Сипеҳрий (1928-1980) ижоди тадқиқ этилган. Шоир ўз ифода услубини ярата олган бадиий тафаккур эгаси, замонавий фалсафий қарашларнинг орифона ғоялар билан узвий боғлиқлигини таъминлаган маърифатпарвар инсон, анъанавий ирфоний қарашлар тизимида “ваҳдат ал-вужуд”, “комил инсон” назарияларининг талқинига замонавий мазмун бахш эта олган файласуф-шоир, бадиий тафаккур тизимида янги поэтик тимсол ва рамзлар силсиласини яратган сўз санъаткори сифатида замонавий форс шеъриятидан мустаҳкам ўрин олган.

Мақолада “Шеър-и ноу” адабий оқими ривожига ҳисса қўшган шоир С. Сипеҳрийнинг адабий жараён такомилидаги ўрни ва ўзига хос томонларини, унинг асарларида илгари сурилган фалсафий-маърифий ақидалар ва ирфоний ғояларини тадқиқ қилиш ҳамда С.Сипеҳрий шеъриятига хос инсон ва борлиқ муносабатларининг мазмуни ва уларнинг форс шеърияти тараққиётида тутган ўрни кўрсатиш мазкур мақоланинг асосий мақсадини ташкил қилади. Натижада шоир бадиий тафаккурига хос бадиий тимсол ва рамзлар моҳияти аниқланди ва мазмуни таҳлил қилинди, шоирнинг инсон, табиат ва борлиқнинг ўзаро муносабати муаммоларига оид илғор қарашлари ҳамда уларнинг шоир бадиий тафаккуридаги мазмуни аниқланди. Хулосада Шоир шеърларида инсон ва табиат ўртасида уйғунликни вужудга келтириш тарафдори. С.Сипеҳрий, бир томонидан, инсон ва табиат ўртасидаги чегара ва маҳдудликларни аниқ кўрсатиб беришга, иккинчи томондан, ана шу чегараларни ўртадан кўтариш кераклигини уқтиришга ҳаракат қилади. С.Сипеҳрий борлиқ ва унга тегишли нарсалар ҳақида фикр юритганда сюрреализм услубига хос, яъни англаниши мураккаб тилда гапиради, аммо бундай баён услубидаги фалсафий маъно Шарқ тасаввуф таълимотидаги ирфоний қарашлардан сарчашма олади. Шоир бадиий тафаккури Шарқ ва Ғарб тасаввури ўзаро боғлайди ва уйғунлаштиради.

Таянч сўлар: *Суҳроб Сипеҳрий, шеър, инсон, рамз, борлиқ, табиат, сюрреализм, ирфон, ишқ, абадият, адабиёт.*

АННОТАЦИЯ: В становлении и развитии иранской поэзии в начале XX века творчество поэта и художника Сухраба Сипехри 1928-1980) имеет особое значение. В традиционной системе мистических взглядов поэт – это интеллектуальный мыслитель, способный создать собственный стиль выражения, просветленный человек, обеспечивающий целостную связь современных философских взглядов с ортодоксальными идеями, философ, художественный мыслитель, способный дать современное содержание интерпретации теорий «единства» - (“ваҳдат ал-вужуд”) и «совершенного человека»-(“комил инсон”). Сухраб Сипехри, как художник и поэт, создавший в своей системе новый набор поэтических эмблем и символов, внесший особый вклад в развитие литературного движения «шэр-и ноу» занимает прочное место в современной персидской поэзии. Основная цель предлагаемой статьи - изучить роль и особенности творчества С. Сипехри в развитии литературы; рассмотреть его философские и просветительские воззрения, а также мистических теории, выдвигаемые в его произведениях; показать содержание взаимоотношений человека и бытия, присущее поэзии С. Сипехри и их роль в развитии персидской поэзии. В результате были выявлены сущность и содержание художественных символов, присущих мышлению поэта, выявлены передовые взгляды поэта на проблемы взаимоотношения человека, природы и бытия и их содержание в художественном мышлении поэта. Надо отметить, что поэт выступает за создание гармонии между человеком и природой. С. Сипехри, с одной стороны, пытается ясно показать границы и ограничения между человеком и природой, а с другой стороны, утверждает, что эти границы следует убрать. Когда С. Сипехри думает о бытии и о том, что ему принадлежит, он говорит на языке, типичном для сюрреалистического стиля, то есть трудном для понимания, но философский смысл такого утверждения исходит из мистических взглядов

восточного мистицизма. Художественное мышление поэта соединяет и гармонирует воображение Востока и Запада.

Ключевые слова: *Сухраб Сипехри, поэзия, человек, символ, бытие, природа, сюрреализм, мистика, любовь, вечность, литература.*

ABSTRACT: The poet and writer Sohrab Sipehri (1928-1980) played a particular role in the formation and development of Iranian poetry at the beginning of the twentieth century. This poet created his style of expression and was an enlightened person who provided a holistic connection of modern philosophical views with orthodox ideas. He was a philosopher-poet, an artistic thinker who was able to give the contemporary content of the interpretation of theories of «Unity» - («wahdat al-wujud») and «Perfect man» - («komil inson») in the traditional system of mystical views. As a great writer he created a new set of poetic emblems and symbols in his approach, he had a special place in modern Persian poetry as a poet who contributed to the development of the literary movement "new poetry" ("sher-i now") of Iranian poetry.

The main goal of the article is to study the role and place of Sohrab Sipehri in the development of the literary process, philosophical and educational beliefs, and mystical ideas expressed in his works. As a result, the essence and content of artistic symbols, strong heritage, artistic thinking of poet were revealed. The poet advocates the creation of harmony between man and the universe. S. Sipehri, on the one hand, tries to show clearly the boundaries and limitations between man and the universe. And on the other hand, he argues that these boundaries should be removed between them. When S. Sipehri thinks about existence and what belongs to him, he speaks in a language that is typical of the Surrealist style, that is, difficult to understand, but the philosophical meaning of such a statement stems from the mystical views of Eastern mysticism. The poet›s artistic thinking connects and harmonizes the imagination of the East and the West.

Keywords: *Sohrab Sipehri, poetry, man, symbol, existence, nature, surrealism, mysticism, love, eternity, literature.*

КИРИШ

Инсон ва борлиқ ўртасидаги муносабатлар масаласи Суҳроб Сипеҳрий (Shoaliyeva Nargiza 2019:150) ижодида алоҳида ўрин тутади. Таъкидланган мавзу С.Сипеҳрий ижодида ирфоний оҳангдаги шеърлар билан чамбарчас боғланган ҳолда унинг илк тўплами «Рангнинг ўлими»дан бошлаб сўнгги тўплами «Биз ҳеч ким эмасмиз нигоҳдан ўзга» китобигача гоҳида аён, гоҳида мавҳум тарзда намоён бўлади. Сипеҳрий, айниқса, «Сув одимининг садоси» шеърида «бутун борлиққа, унинг таркибига кирган барча ашёларга муҳаббат чўққиси устидан қарашни, табиатга борликдан тараладиган тажаллийнинг бир бўлагига сиғингандек талпинишни" инсонлар онгига сингдиришга уринади (Langrudi Shams. 1992:377) Сипеҳрий инсон ва борлиқ ўртасидаги муносабатларни ижодининг муайян бир даврида эмас, балки бутун умри давомида, ҳар бир шеър, ҳар бир тўпламида босқичма-босқич ҳолда талқин этади. Шоир «Сув одимининг садоси» шеъридан сўнг яна маънавий сайру сафарга отланиб «Йўловчи» манзумасини яратади ва «Яшил ҳажм» тўплами билан ўзининг ирфоний шеърияти таркибидаги инсон ва борлиқ мазмунига йўналтирилган яхлит поэтик англаш тизимини шакллантиради. Сипеҳрий бу мажмуада «йўловчи» руҳиятидаги ҳайрат ва изтироблар таъсиридан четга чиқиб, ҳаёт мазмунидаги табиий эҳтиёж - инсонни борлиқ билан бирлаштириш мақсадига кўчади. Шоир мазкур ирфоний босқичда борликдаги барча нарса ва ашёлар билан маънан бирлашади ва инсониятга "яшил ҳажмдаги пок-мусаффо ҳаётдан" салом етказади. (Langrudi Shams. 1992:358-359)

МАНБА ВА МЕТОД

Дориюш Ошурий шоир ижодига хос хусусиятлар ҳақида тўхталиб ўтар экан, ундаги табиатга бўлган муҳаббатни алоҳида таъкидлаб ўтади. "У сўнгги асрлардаги Ғарб мутафаккирлари каби илоҳий маънавиятни инкор этмайди, балки унинг ирфоний дунёқараши фақат бир нарсага, азалий ва абадий ҳақиқат – ҳақиқий борлиқнинг мавжудлиги" англай олади дейди. Шоир ижодида инсон ва табиат - бу ягона ҳақиқатнинг тажаллийси эканлиги деган эътиқоднинг мавжудлиги олим тасдиқлайди.

Шоир руҳиятидаги табиатсеварлик хусусияти, унга ошуфталик Суҳробнинг тасвирий асарларида ҳам ҳайратомуз даражада яққол кўзга ташланиб туради. Зеро, унинг мингдан ортиқ тасвирий санъат асарлари (фақат битта асар бундан мустасно) табиатдан олинган илҳом ҳосиласидир. (Ashuri Doriyush 1978:35) Сипеҳрий табиатни борлиқнинг бир кўриниши, бошқача айтганда, инсон сезги аъзолари билан кўриб, эшитиб, ҳис этадиган шакли деб билади. Табиат деганда, борлиқни (ontos) ва борлиқ деганда инсон ҳаёти ва умуман инсоният атрофини ўраб олган азалий ва абадий хақиқат – Худони тушунади. Шу нуқтаи назардан табиат ҳам унинг учун яратувчидир. Аммо бу яратувчи инсондан айри эмас. Чунки инсоннинг ўзи ҳам ана шу табиат - яратувчининг бир бўлаги. Табиат ранг-баранглиги, таркибий қисмлари, инсониятни қуршаб турган органик ва ноорганик оламлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси Яратган кўринишларидир. Инсоният эса ундан пайдо бўлиб, ажралиб чиққан мавжудот ҳисобланади.

Рассом, ориф ва файласуф шоир – Суҳроб Сипеҳрий ўзининг онтологик[1] қарашлари, яъни

[1] Юнонча «ontos» - мавжудлик ва «logos» - таълимот сўзларидан келиб чиққан.

борлиқнинг туб асослари, шакллари, ўзгариши сабаблари, боғланишлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳамда энг умумий ғоялари ва категориялари ҳақидаги фикрларини асосан исломдаги ирфон фалсафаси ва будда таълимоти нуқтаи назаридан талқин этади. Сипеҳрийнинг рассомлик санъати билан ошнолиги унинг борлиққа оид қарашларини таъсирчан бўёқлар ва ҳиссиётга тўла иборалар, тасвирлар, ташбиҳ ва истиоралар орқали ифодалаб беришига имконият яратиб берган. Айниқса, унинг табиат билан боғлиқ тасаввур ва тасвирлари истеъдодли, бой тасаввур ва ирфоний тафаккурга эга мўйқалам соҳибининг кучли тахайюл оламидан дарак беради. Сипеҳрий назарда тутган «борлиқ» тушунчасини тор ва кенг маъноларда англаш мумкин. Сипеҳрий ижодида тор маънодаги борлиқ «табиат» тушунчаси орқали, кенг маънодаги борлиқ эса «олам», «коинот» тушунчаси орқали ифода этилган.

Инсон ўзининг келиб чиқиши ва яшаши нуқтаи назаридан табиатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу маънода табиат мазмун-моҳият жиҳатидан бевосита барча фаолиятларнинг йиғиндиси, ҳамма нарса ва воқеаларнинг умумий боғланиши, умуман борлигидир.

Сипеҳрий «борлиқ» деганда биринчи навбатда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар мажмуини тушунади. Бу муносабатлар мажмуи инсоннинг географик муҳит – табиат билан уйғун ҳолда ҳаёт кечириши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат ва гармонияни тасвирлашда намоён бўлади. Ойдин Оғдошлу бу борада дейди: «Сипеҳрий улуғ бир шаҳарнинг рассоми эмас. У табиатни, лойдан қурилган уйлар, лой ва сомон билан сувоқланган деворларни тавсифлар экан, бу нопок дунё билан курашишдан воз кечиб, узлатга чекинади ва уларда паноҳ топади». (Oydin Ogdoshlu. 1997:271)

ТАҲЛИЛ

Сипеҳрий инсон ва табиатдаги самимийлик, соддалик, озодалик ва мусаффоликни қадрлайди. У ҳаётдаги сохталик ва мураккабликлардан қочиб, табиатдаги табиийлик ва софликка юз тутишни маъқул топади. Карим Имомий Сипеҳрий шеърлари ва тасвирий санъат асарларида табиат тасвири масаласи хусусида мулоҳаза юритар экан, шоир ижодидадаги ҳар бир детални, ҳар бир поэтик тасвирни, ҳар бир табиий ривож ва ўзгаришни «табиатдаги нарсаларнинг соддалаштирилган шакли» (Ashuri Doriyush 1978:38-39), деб атайди. Сипеҳрий тасвирий асарларида ҳатто бир тўғри чизиқ даштдаги кенг уфқни ёки кўкка бўй чўзган дарахтни эслатади. Марказий Эроннинг табиатига хос бўлган баланд тоғлар, тоғлар ён бағрида жойлашган тўлқинсимон тепаликлар, тепаликлар тагидан оқиб ўтиб, терак дарахтлари обод бўлган жойларга оқиб борадиган дарёчалар, бир-бирига ёпишиб кетган қишлоқ уйлари, уйнинг қуббали томи, уй деворининг дарахт шохи билан «қўл бериб кўришиши», қовжираган ўтлар, ёввойи гул–лолалар, бир неча това-тош, кичик бир кўлмак, ё кичик бир ҳовуз ... буларнинг барчаси рассом диққат-эътиборини ўзига жалб этадиган нарсалардир. (Ashuri Doriyush, Karim Imomiy, Huseyn Ma`sumiy. 1992:39)

Аксарият тадқиқотчилар С.Сипеҳрийни жамиятдан табиатга қочиш ва унда паноҳ топишда айблайдилар. (Ashuri Doriyush, Karim Imomiy, Huseyn Ma`sumiy.1992:40) Аммо Сипеҳрий асарларида табиатни соф ва мутлақ ҳолда тасвирлаш йўқ, шоир тафаккури марказида инсон – шоирнинг «мен»и туради. Шоир «мен»и табиат билан доимий, узвий мулоқотда бўлган, унга қўшилиб кетган ва унда яшаётган шахсдир. Сипеҳрий жамиятни табиатга кўчиради. Жамиятни табиат билан яшаш, у билан дўст бўлиш ва унга талпинишга чорлайди. Сипеҳрийнинг ижтимоийлиги ҳам ана шунда. Фақат бу ижтимоийлик бошқаларникидан анча фарқ қилади. Бу ўринда Сипеҳрий экзистенциализм фалсафасини ёқлагандай бўлиб чиқади. Экзистенциализм фалсафаси бўйича дастлаб, инсон табиат қўйнида яшар экан, уни ўзидан ажратмайди ва унинг ўзи ҳам табиатнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Лекин бу давр узоққа чўзилмайди. Инсон тафаккури тараққиёти натижасида у сунъий табиат яратиб, ўзини табиатдан ажрата бошлайди. (Garb falsafasi. 2004:627) Сипеҳрий ҳам экзистенциалистларга ўхшаб, табиатдан ва бора-бора ўзидан ҳам «бегоналашган» инсониятни яна ўзининг ибтидоси – табиат билан боғланишга чорлайди. Фақат шу йўл билан инсон ўзини ва ўзлигини англаш имкониятига эга бўла олади. Сипеҳрий ҳам экзистенциалист файласуфлар каби бугунги давр инсоннинг ҳаётга бўлган қизиқишини тобора чўктириб, йўқотиб бораётганлиги ҳақида қайғуради.

Бугунги давр инсони табиатнинг такрорланмас чиройини ҳам, инсонлар қадрини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни танҳо ўз манфаатларини кўзлашга ундайди. Натижада инсон ҳаётидан "эзгулик" ўрнига "фойда" ахтаради. Бундай одамнинг онги дастурлаштирилган машинага ўхшаб қолади ва ички беғубор ҳиссиётларидан маҳрум мавжудотга айланади. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Шоир фақат ўз юрагида болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган

одамларгина борлиқнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкинлиги ҳақида гапиради. (Garb falsafasi. 2004:628)

Сипеҳрий ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини табиатдан излайди, табиатни ижтимоий ҳаётнинг илдизи деб билади. Сипеҳрий ўзининг биринчи шеърий тўплами - «Рангнинг ўлими»дан бошлаб лирик қаҳрамонининг табиат ва ундаги нарсаларга бўлган муносабати масаласини бадиий таҳлилдан ўтказа бошлайди. Албатта, Нимо Юшиж услуби таъсирида ёзилган ва маълум даражада унинг ижтимоий қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштирган бу тўпламда Сипеҳрийнинг «табиат»и ҳали «Худо билан қўшилиб, унга сингиб кетган табиат» даражасида намоён бўлади деб бўлмайди. Сипеҳрий бу тўпламда бор-йўғи табиат ва табиатдаги ашёлар ва ҳодисаларни бадиий тасвирга олиш орқали ўзининг ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатини ифодалашга ҳаракат қилади.

Масалан, мазкур тўпламдаги «مرغ معمّا» («Муаммо қуши»), «رو به غروب» «صراب», («Қуёш ботар томонга юзланиб»), «دُرّهٔ خاموش» («Сокин дара»), «دریا و مرغ» («Денгиз ва одам»), «نقش», «با مرغ پنهان», «سرگزشت»» («Пинҳон қуш билан») каби бир қатор шеърларда табиат билан боғлиқ ашёлар, мавжудотлар ва ҳодисалар (қуш, терак, биёбон, қуёш, гиёҳ, дарахт, қарға, водий, уфқ, дарё, денгиз, сув, қуёшнинг ботиши, тош, тоғ, соя, кун, тун, калхат, тумшуқ, шох, дара, осмон, шафақ, булут, оқ булут, ел, япроқ, қоя, эчкиэмар, илон, қанот, соҳил, тўлқинлар, шамол, тўфон, момақалдироқ, ёмғир...) нинг аслида ижтимоий ва фалсафий мушоҳадалар баёни учун хизмат қилганини кузатиш мумкин.

Ушбу тўпламдаги бошқа бир шеърларда эса (масалан, «سپید» («Субҳидам»), «روش شب» («Ёруғ тун»)), «خراب», «مرگ زنگ» («Рангнинг ўлими»), «وهم» (“Ваҳшат”) ашёлар, мавжудотлар ва ҳодисалар шоирнинг сюрреалистик тахайюл ва тафаккурини ифодалаш учун хизмат қилган. Шоирнинг илк шеърий тўпламида табиат ижтимоий ҳаёт ва бадиий тафаккур атрофидаги майда-чуйда деталлардан таркиб топган объект сифатида жилваланади. Шу жиҳатдан, С.Сипеҳрийнинг қисман реализм ва қисман сюрреализм услубида ёзилган бу тўпламидан инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг етук бадиий талқинини топиш анчайин мушкул.

С.Сипеҳрийнинг иккинчи шеърий тўплами «Тушлар ҳаёти»да табиатдаги унсурлар – мавжудотлар, жонзотлар (қуш, парилар, илон...), ашёлар, нарсалар, шакллар, ҳодиса ва ҳолатлар аслида шоир поэтик тафаккурининг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Мана шу “предметлаштирилган объективлик” табиатдаги мавжуд нарсалар орқали янги поэтик маънолар кашф эта бошлайди. Масалан, ой, булут, гиёҳ, соя, шох, гуллар, ўтлар, шабнам, юлдуз, қоронғулик, намлик, дарё, ювиниш, уфқ, тун, ёмғир, иссиқлик, мармар, ел, кул, йўл, қоялар, соҳил, суяк, марварид, биёбон, ғубор, ёруғлик, фазо, тоғ, қуёш, қум, тол, боғ, нур, барг, ҳид, ранг, қанот, тупроқ, парвоз, дарахт, нилуфар, ер, илдизлар... каби ўнлаб вазият, ҳолат ва нарсалар аслида инсон ва борлиқ мувозанати масалаларини ёритишга хизмат қилади. Абстракт тафаккур орқали предметлаштирилган поэтик тасвир конкрет ҳиссиётларнинг ифодаланиш воситасига айланади.

Лирик қаҳрамоннинг психологик ҳолатлари қуйидаги поэтик тасвирлар орқали намоён бўлади - бедорлик, уйқу, туш, пушаймонлик, уйқусираш, руҳ, уфқнинг иссиқ танаси, дарёнинг бешиги, юлдузнинг уйқусираган шабнами, руҳнинг чанқоқ девори, истакка тўла тун, чамандаги яшил мармарнинг оқ томири, ҳиргойи, йўлнинг ҳансираши, қояларнинг ҳавас билан ҳидлаши, тун хиргойилари, ўтларнинг совуқ суяги, тунни ичмоқ, йиғламоқ, ёлғиз қўймоқ, ёлғизлик, ёлғизликнинг қоронғу ёстиғи, вужуд уйқуси, рўъёлар, ёлғоннинг оқлиги, соясиз сутунлар, уйқунинг синган тилсими, кўз марвариди, кўзларнинг қора насими, дарбадар дўзах, тушнинг тасвири, кечаги тушнинг иссиқлиги, нигоҳнинг илдизи, фарёд, садо, туш ғунчаси, лаззат, соқов ва ҳаракатсиз совуқ қоралик, нур ёмғири, сирли дунё, беҳудлик, лаънат, интизорлик, афсун, дўзах заҳри, даҳшат, афсун қилинган аччиқ гиёҳ, хомушлик, қўрқитиш, дарбадар дев, қоннинг томирлардаги хиргойиси, ҳаётнинг шаклсиз рўъёси, қутулган гўзаллик, чуқур қоронғулик, ҳис қилмоқ, қидирмоқ, йўқотмоқ, қутулмоқ, рангсиз ва енгил нур, руҳнинг сояси, ҳаёт қоронғулиги, овоз сарчашмаси, афсона қуши, изтироб ёруғлиги, йўқолган том, ваҳм, фаромушлик, тасвир табассуми, дарахтнинг кўзлардан ўсиб чиқиши, тун ва кун чегараси, туш чегараси, бепарво ел, тушлар диёри, рўъёлар шишаси, ўсишнинг овози, томирларда югурмоқ, ўлим, уйқу, хато, лаҳза, уйқуга кетган томир, тананинг илдизлари, жавобсиз овоз, ҳушёрлик.... Янги маънодаги образлилик поэтик ифодани тасвирлаш, сўзлар семантик доирасини кенгайтириш, уларга янги поэтик маъноларни бағишлашга хизмат қилганлиги намоён бўлади (Suhrab Sepehri. 1996:33-57) Тўпламда шоир табиатни биринчи тўпламдаги шеърларга нисбатан анча жонли, аниқроқ ва ёркинроқ тасвирлашга муваффақ бўлади. Бу гал табиат ва ундаги унсурлар детал ҳолат қобиғидан чиқиб лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ва

руҳий ҳолатига кўчади. Натижада табиат ва инсон, шунингдек, лирик қаҳрамон ўртасидаги муштарак манзаралар ҳосил бўлади:

مرغ مهتاب
می خواند.
ابری در اتاقم می گرید.
گل های چشم پشیمانی می شکفد.
در تابوت پنجره ام پیکر شرق می لولد.
مغریب جان می کند،
می میرد. (Suhrab Sepehri. 1996:77,78)

Ой қуши
Сайрайди.
Хонамда бир булут йиғлайди.
Пушаймонлик кўзларидан гуллар очиларди,
Деразамнинг тобутида шарқнинг қомати судраларди
Мағриб жон беради.
Ўларди.

Бу муштарак манзаралар («ой қушининг сайраши», яъни ой ёғдусининг лирик қаҳрамон хонасига таралишидан «хонадаги булутнинг йиғлаши», яъни шоир «мен»и юрагидаги ғам-андуҳ ғуборининг кўтарилиши натижасида «пушаймонлик кўзларидан гуллар очилганлиги», яъни пушаймонлик ва ноумидлик ўрнини умид ва ишонч эгаллаганлиги табиатга доир воқеликнинг лирик қаҳрамон кечинмалари билан боғланиши ва узвий қўшилиши асосида талқин қилинган.

Шоир табиатни лирик қаҳрамон, яъни инсоннинг қисматдоши, сирдоши ва ҳамдардига айлантиради. Инсон яна бир карра табиат билан қисматдош эканлигини англаб етади:

روُی علف ها چکیده ام
من شبنم خواب آلودیك ستاره ام.
که روی علف های تاریکی چکیده ام.
جا یم اینجا نبود.
نجوای نمناك علف ها رامی شنوم...
...کاش اینجا – در بستر پُر علف تاریکی – نچکیده بودم!
فانوس از من می گریزد.
چگو نه بر خیزم؟
به استخوان سرد علف ها چسپیده ام.
و دور از من، فانوس
(Suhrab Sepehri. 1996:76)در گهو اره ٔ خروشان دریا شست و شومی کند

Ўтлар устига томганман.
Мен бир юлдузнинг уйқусираган шабнами каби
Қоронғулик ўтлари устига томганман.
Менинг жойим бу ер эмас эди.
Мен ўтларнинг намли шивирлашини эштаман.
Менинг жойим бу ер эмас эди.
Фонус
Денгиз тўлқинларининг бешигида ювинмоқда.

С.Сипеҳрий шеъриятига хос бўлган инсон ва табиат ўртасидаги муносабат илмий адабиётларга мавжуд уч тарихий ривожланиш босқичлари орқали ифодаланади:

– афсонавий (мифологик) – инсоннинг табиатга қарамлиги даври;

– илмий-технологик (инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги);

– мулоқот (диалог) – табиат ва инсоннинг уйғун баркамоллиги. (Obidiniy Komyor. 2000:579)

Сипеҳрий инсон ва табиат ўртасида уйғунликни вужудга келтириш тарафдори. Унинг фикрича, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик инсонни табиатнинг бир бўлаги сифатида идрок этиш баробарида табиатнинг ўзини ҳам ўз вужудининг бир бўлаги сифатида англаш даражасида талқин этиш зарур. Сипеҳрийнинг юқорида келтирилган шеърий парчасида инсоннинг булутга, сўнг булутдан қатра томчига айланиб, «ўтлар устига томиши» композицияси буддийлик таълимотидаги «дхармалар», яъни заррачалар, унсурлар ҳақидаги назариясини эслатади. Бу назария бўйича, оламдаги нарсалар «дхарма»[2]. (O`zME. 2002:392) - моддий ҳодисаларга кириб боради ҳамда доимо ҳаракатда бўлади.

Инсоннинг табиатдаги мавжуд бирон-бир унсурга айланиши ёки табиатдаги бирон-бир унсурнинг инсон вужудининг бир қисмига айланиб, яна табиатга қайтиши (масалан, «бир юлдузнинг уйқусираган шабнамга айланиб, қоронғулик ўтларининг устига томиши», «ўтларнинг совуқ суягига ёпишиб қолмоқ») ҳақидаги фикр Сипеҳрийни Будда таълимотидаги руҳнинг бир жондан иккинчи жонга ўтиши борасидаги ақидаларига таянганлигидан далолат беради.

Сипеҳрий иккинчи шеърий тўпламидаги табиат билан боғлиқ шеърлари орқали ўзини маҳоратли сўз мусаввири сифатида ҳам кўрсата олган. Жумладан, у мазкур тўпламнинг аксар шеърларида табиатдаги жонсиз икки ё уч унсур (масалан, «нур», «ёмғир») иштирокида янги поэтик маъно ва тасвирлар яратади. Масалан: «нур ёмғири», «ёруғлик илдизи», «фазонинг шаклсиз кўчаси», «тунларнинг зангори ғубори».

Суҳроб Сипеҳрийнинг инсон ва табиат узвий алоқадорлиги мавзуидаги кўпчилик шеърлари унинг ўзбек адабиётининг ўзига хос такрорланмас истеъдод эгаларидан бўлган Усмон Носир (1912-1944) шеърияти билан ўхшаш ва уйғун томонларини кўрсатади[3]. (Umirzoqova N.T. 2005:13-

[2] Буддизм талимотига кўра дхарма абадийдир, доимо пайдо бўлиб йуқолиб туради.

[3] Мазкур диссертациянинг иккинчи боби “Руҳият ва табиат тасвири” деб номланади. Шеъриятда табиат тасвири турли поэтик мақсадларни ифодалашга хизмат қилиши таъкидланади.

20) Н.Т.Умрзоқованинг таъкидлашича, Усмон Носир ўз асарларида табиатнинг бетакрор гўзал манзараларини ва шу манзараларга мос бўлган руҳий олам қирраларини тасвир этган. Усмон Носир табиат манзараларига эътибор билан қарар экан, табиатнинг мутлақ ва азалий қонунларига қатъий амал қилади. Шоир шеъриятидаги шоир, шеър, йўловчи, йўл, юрак, севги, шамол, ой, кеча, денгиз, кўнгил сингари хилма-хил поэтик образлар шоир руҳий оламини кашф этишда муҳим бадиий унсурга айланади. Табиатнинг оний бир ҳолати лирик қаҳрамон кайфиятидаги кўтаринкилик, ёинки тушкунликни ифодалашга хизмат қилади.

Суҳроб Сипеҳрийнинг табиат ва борлиқ мувозанати борасидаги поэтик тафаккури ва Усмон Носир шеъриятининг ўхшашлик томонлари мавжудлиги аниқ. Аммо мана шу икки буюк ижодкор фикр уйғунлигида улар моҳиятини ажратиб турадиган ўрин Суҳроб Сипеҳрийга тааллуқли бўлган мистик-поэтик йўналиш ҳисобланади. Умуман олганда, замонавий ўзбек поэзияси такомилини Эрон шеърияти ривожи билан қиёсий ўрганиш жараёнини бошлаш бугунги шарқшунослик ва эроншунослик олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардандир.

С.Сипеҳрий гоҳида ташхис санъатини қўллаб, жонсиз нарса ва ашёларни жонли мавжудот сифатида тасвирлайди: «ой қуши», «соя қўли», «кошин қалби», «нур ёмғири».

Сипеҳрий бу тўпламда нафақат ташхис[4] (Shamiso Sirus. 1995:64-65) санъатини қўллайди, балки янги ташбиҳлар[5] ҳам яратади. Жумладан, унинг «нур ёмғири» ва «нур ўрмони» каби мавҳум ташбиҳлари (Shamiso Sirus. 1995:39) «ҳинд» услуби шеъриятидаги мавҳум ва мураккаб ташбеҳларни эслатади. Ташхис санъатининг ташбеҳ ва истиора санъатлари таркибида келиши Сипеҳрийнинг инсон ва табиат мавзуси билан боғлиқ шеърларида энг кўп учрайдиган бадиий воситалардан бири ҳисобланади.

Сипеҳрийнинг учинчи шеърий тўплами «Қуёш парчалари»да инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар масаласи ва табиат тасвири фикрий ва бадиий жиҳатдан янги босқичга кўтарилади. Шоир олдинги тўпламлардаги бадиий тасвирларни кучайтириб, янгидан-янги поэтик тимсоллар, поэтик тасвир ва маънолар, янги ташбиҳ ва иборалар яратишга киришар экан, табиатдаги ашёлар, унсурлар ва ҳодисаларни инсоннинг табиий моҳиятига олиб киришга уринади:

در بیداری لحظه ها
پیکرم کنار نهر خروشان لغزید.
مرغی روشن فرود آمد
و لبخند گیج مرا بر چید و پرید.
ابری پیدا شد
و بخار سرشکم را در شتاب شفّافش نوشید.
نسیمی بر هنه ز بی پایان سر کرد
و خطوط چهره ام را آشغت و گذست.
در ختی تا بان
پیکرم را در ریشهٔ سیاهش بلعید.
طوفانی سر رسید
و جا پایم را ربود.
نگاهی به روی نهر خرو شان خم شد:
تصویری شکست.(Suhrab Sepehri. 1996:133-134)

Лаҳзалар уйғоқлигида
Тошқин дарё бўйида жисмим сийпанарди.
Ёруғ қуши қўнди
Менинг ҳайратли табассумимни териб олди ва учиб кетди.
Булут кўринарди
Беғуборли шошиб учишида кўз ёшларим буғини ичибди
Ниҳоясиз ва яланг еллар эсишни бошлади
Юзимдаги ажингларни силаб ўтди
Порлоқ дарахт
Жисмимни қора илдизи ила ютди.
Туфон бошланди
Оёқларим изини учириб кетди
Тошқин дарё юзига бир нигоҳ эгилди:
Бир тасвир синди.
Бир хаёл тарқалди.

Сипеҳрий нигоҳида, табиат билан узвий алоқани узган XX аср одами «илдизсиз» инсондир. Табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон тафаккур ва тараққиёт натижасида унинг, яъни, табиатнинг кушандасига айланди. Цемент, темир, тутун, умуман, кимёвий маҳсулотлар асри ҳаво, сув, тоғ, ўрмон ва тупроқ таркибини заҳарлади, табиатни, умуман борлиқни булғади. Натижада инсон борлиқ иҳотасида яккаланиб, бегоналашиб қолди. Аммо она табиат, она ёмон боласини кечиргани ва уни барибир севгани каби яна инсонни йўқлаб келди, уни ўз қучоғига олиб, қалбидаги ғуборлар, кўзидаги ёшларни ювиб ташлади.

Сипеҳрий бу тўпламда ўз экзистенциалистик ғояларини илгари суради: она табиат ва борлиқдан узилиб, ўзидан бегоналашган ва аросатда қолиб, нима қилишини билмай қолган, «илдизсиз», «томирсиз», бечора ва ожиз инсон масаласини ўртага ташлайди. Бу инсон, уни ўраб олган даҳшатлар қуршовида бир япроқ каби титраб турибди. У ёрдамга муҳтож, ўз халоскорини кутмоқда. Бу қудратли, илоҳий халоскор Сипеҳрий нигоҳида борлиқ тушунчаси билан уйғунлашган табиатдан ўзга нарса эмас:

[4] Европа адабиётида бу санъатни «Personification» деб атайдилар.

[5] «Нур»нинг таралиши ёмғирнинг ёғилишига ўхшатилган, аммо воқеликда «нур»нинг «ёмғир»и мавжуд бўлмаган нарсадир. Шу жиҳатдан бу ташбиҳни «тахайюлий ташбиҳ» деб аташ мумкин

ўртасидаги чегара ва чизиқларни аниқ кўрсатиб беришга, иккинчи томондан, ана шу чегараларни ўртадан кўтариш кераклигини уқтиришга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. «Ғамнинг шарқи» тўпламидан бошлаб, Сипеҳрийнинг инсон ва табиат мавзуидаги қарашларининг янги қирралари очила бошлайди. Бундан сўнг шоирнинг «табиат»и кенгая боради, янги мазмун касб эта бошлайди ва «борлиқ» деган фалсафий-ирфоний тушунчанинг узвий заррачаларига айланади.

Сипеҳрий табиатдаги нарсалар (гиёҳ, ўт, тош, сув, тупроқ, дарахт...), жонзотлар (қуш, ари, сигир...) ва ҳодисалар (шамол, қушнинг учиши, қушларнинг сайраши, нилуфар гулининг очилиши, куннинг ёриши, қоронғулик тушиши, ёмғирнинг ёғиши...) ни ягона мавжудлик – борлиқнинг унсурлари сифатида қарай бошлайди. Шоир тафаккурида юз берган бу ўзгариш тасодифий бўлмасдан, унинг Японияга қилган сафари, япон фалсафаси ва буддийлик таълимотини ўрганиши билан боғлиқ ҳолдир. «Ғамнинг Шарқи»дан бошлаб шоирнинг ҳар бир шеъри, ҳатто гоҳида ҳар бир сатрида борлиқ унсурлари, уларнинг таъсири ва инъикосини кўриш мумкин.

Шоир тўпламдаги биринчи шеър («Равона») дан бошлаб борликдаги ҳодисаларни тасвирлай бошлайди: ари ваҳм кенгликларига учиб, гул излайди. инсон ҳам бир боғдан, яъни бу дунёдан бошқа бир боққа, у дунёга сафар қилади. Инсон ҳам, борлиқдаги бошқа жонзотлар ҳам доимий сафар ва ҳаракатдадир... Иккинчи шеър «Ҳало» («Ҳей») деб номланади. Бу шеър табиатдаги қарама-қарши икки ҳодисанинг тасвири билан бошланади:

تنها به تماشای چه ای؟
بالا، گل یك روزهٔ نور.
پایئن، تاریکی باد. (Suhrab Sepehri. 1996:216-217)

Ёлғиз нимани томоша қиляпсан*?*
Юқорида нурнинг бир кунлик гули.
Пастда шамол қоронғулиги.

Бу шеърий парчада тазод санъатини ташкил этиб келган туркум сўзлар – юқори - паст; нур - қоронғулик; гул - шамол борлиқ ва ҳаётдаги икки қарама-қарши куч, эзгулик - ёвузликнинг поэтик тимсолларидир. Кейинги шеърдан бошлаб, С.Сипеҳрийнинг инсон – табиат - борлиқ ўртасидаги муносабатларга оид қарашлари унинг ирфоний дунёқараши билан қоришиб кетган ҳолда баён этилади:

می رویید. در جنگل، خاموشی رؤیا بود
شبنم ها بر جا بود.
درها باز، چشم تماشا باز، چشم تماشا تر، و خدا در هر...آیا بود؟
خورشیدی در هر مشت: بام نگه بالا بود.

به روی شط و حشت برگی لرزانم،
ریشه ات را بیاویز.
من از صدا ها گذ شتم.
روشنی را رها کردم.
رؤیای کلید از دستم افتاد.
کنار راه زمان در از کشیدم.
ستاره ها در سردی رگ هایم لرزیدند.
خاك تپید.
هوا موجی زد.
علف ها ریزش رؤیا را در چشمانم شنیدند.
میان دو دست تمنّایم روییدی
در من تراویدی.
آهنگ تاریك اندامت را شنیدم:
«نه صدایم
و نه روشنی.
طنین تنهایی تو هستم،
طنین تاریکی تو».
سکونم را شنیدی:
«به سان نسیمی از روی خودم بر خواهم خواست،
در ها را خواهم نشود».
چشمانت را گشودی:
شب در من فرود آمد(Suhrab Sepehri. 1996:135-137)

Ваҳшатли дарё юзида титраган япроқман,
Илдизингни чузгин.
Мен садолардан ўтдим.
Ёруқликни қўйиб юбордим.
Руёлар қулфи қўлимдан тушиб кетди.
Замон йули ёнида чўзилдим.
Юлдузлар томирларим совуқлигидан титрадилар
Тупроқ зарби.
Осмон тўлқини.
Руё тўкилишини кўзларимда эшитди ўтлар:
Хоҳловчи икки қўлим орасида ўсдинг,
Ичимдан униб чиқдинг.
Қоматингни қоронғу оҳангини эшитдим:
“Мен на садо
На ёруғлик мен.
Сени ёлғизлигинг оҳангиман,
Мен қоронғулигинг оҳангиман.”
Хомушлигим эшитинг:
“Насим каби вужудимдан эсиб чиқажакман,
Эшикларни очажакман,
Мангулик тунида эсиб кетажакман.”
Кўзларингни очдинг:
Менга тун қунди.

Шоирнинг тўртинчи шеърий тўплами «Ғам шарқи» шеърлари бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Сипеҳрий аввалги уч шеърий тўпламларида инсонни табиатда ва табиатни инсонда кўриб, улар ўртасидаги мавжуд бўшлиқлар ва узилишларни тўлдириш, қайта боғлашга уринади. Сипеҳрий бир томондан, инсон ва табиат

می بو ید. گل وا بود؟ بوبدن بی ما بود: زیبا بود.
تنهایی، تنها بود.
ناپیدا،پیدا بود.
(Suhrab Sepehri. 1996:219-220)»او» آنجا، آنجا بود.
(«پاد مه»)

Ўсарди. Ўрмонда сокитлик рўё эди.

Шабнамлар ўз жойида эди.

Эшиклар очиқ, томоша кўзи очиқ, томошанинг кўзи нам,

ва Худо ҳар жойда...оё эди?

Ҳар бир муштда бир қуёш: Нигоҳнинг томи юқорида эди.

Ҳидларди. Гул очилганмиди? Ҳидлаш бизсиз эди: Гўзал эди.

Ёлғизлик танҳо эди.

Нопайдо пайдо эди.

«У» у ерда, у ерда эди.

Сипеҳрий бу шеърда будда таълимотидаги «фано» мақоми «нирвана»га ислом ирфонидаги «вахдат ул-вужуд» (борлиқнинг бирлиги) ғоясини қўшади: борлиқ ва унга тааллуқли нарсаларни (ўрмон, ўсиш, шабнамлар, эшиклар, томоша, кўз, мушт, қуёш, нигоҳ, том, тепа, ҳид, гул, одамлар, гўзаллик, танҳолик, мавжудлик) «нирвана» сокинлигига ўхшаган сокинлик қамраб олган. Аммо туш ва бедорлик оралиғидаги бу сокинлик бўм-бўш сукунатдан иборат бўлмасдан, худонинг бепоён замон ва макон тушунчалари билан белгилаб бўлмайдиган вужудига тўлган ҳолда аён ва ноаён тарзда доимий ва узлуксиз ҳаракатдадир.

Тўртинчи шеърий тўпламдан бошлаб С.Сипеҳрийнинг сюрреалистик руҳияти ҳам орта боради. Абстракт тушунчалар, абстракт тасвирлар, ғайри-воқеий тасаввурлар ушбу тўпламдаги ҳар бир шеър мазмунидан ўрин олган. Сипеҳрий бошқалар мушоҳада эта олмайдиган, ҳис қила олмайдиган нарса ва ҳодисаларни тасвирлашга ўтади, ибтидосизлик, мавжсизлик ва рангсизлик манбаи бўлмиш буюк борлиқ ҳақида фикр юритади:

سرچشمهء رؤیش هایی، پایان تماشایی
تو تراویدی: باغ جهان ترشد، دیگر شد.
صبحی سرزد، مرغی پرزد، یك شاخه شکست: خاموشی هست.
خوابم بر بود، خوابی دیدم: تابش آبی در خواب، لرزش برگی در آب.
این سو تاریکی مرگ، آن سوزیبایی برگ. اینها چه،
آنها چیست؟ انبوه زمان ها چیست؟
این می شکفتد، ترس تماشا دارد. آن می گذرد، زحشت دریا دارد.
پرتو محرابی،می تابی. من هیچم: پیچك خوابی. برنردهٔ اندوه تو می پیچم.
تاریکی پروازی، رؤیای بی آغازی، بی موجی، بی رنگی، دریای هماهنگی! («هایی»)(Suhrab Sepehri. 1996:223-224)

Ўсишлар асосисан, денгизсан, тамоша ниҳоясисан.

Сен яшнадинг: олам боғи намланди, ўзгарди.

Яна тонг отди, қўш қанот қоқти, бир шох синди: Сокитлик мавжуд.

Мени ўйқу босди, бир туш кўрдим: Тушда мовийни ялтираши,

сувда япроқ қалтираши.

Бу томон ўлим зулмати, у томон япроқ гўзаллиги. Булар-чи? Улар нима?

Замонлар зичлиги нима?

Бу гулларди, томошадан қўрқиб. У ўтарди, денгиздан ҳайиқиб.

Меҳроб шуъласисан, нур сочасан. Мен ҳечман: Уйқу ўрами.

Сенинг ғаминг панжарасига чирмашаман.

Парвознинг зулматисан, овозсиз рўёсан, тўлқинсизсан, рангсизсан,

ҳамоҳангли денгизсан!

Сипеҳрий борлиқ ва унга тегишли нарсалар ҳақида фикр юритганда сюрреализм услубига хос “гунг” тилда, яъни тушуниши мураккаб тилда гапиради. Аммо бу «гунг», баён соқов кишининг ғудранишидан тамомила фарқ қилади. Зеро, юзаки қараганда, тумтароқ ва узуқ-юлуқ бўлиб кўринган бу баёнда фалсафий маъно яширинган. Бу фалсафий маъно Шарқ динлари ва таълимотларидаги ирфоний қарашлардан сарчашма олиб, Ғарб экзистенциализм фалсафаси билан қоришиб кетади. Аммо Сипеҳрийнинг инсон ва борлиқ муаммолари билан боғлиқ экзистенциалистик қарашлари Ғарб экзистенциализми, айниқса, француз экзистенциализми намояндалари Жан-Поль Сартр (Sartr J.P. 1953:56) ва Албер Камюникидан бутунлай фарқ қилади.

Сартр ўзининг «Борлиқ ва йўқлик» номли асарида экзистенциализм фалсафий оқимининг йирик намояндаларидан бири М.Хайдеггернинг «дасийн» (инсон борлиғи) тушунчасига яқин «ўзи учун борлиқ» тушунчасини киритди. Бу тушунча, Сартрнинг фикрича, инсон ички олами моҳиятини очиб беради. XX аср Шарқ мутафаккирларидан фарқли ўлароқ, Сартрнинг экзистенциалистик фалсафий қарашлари динсизлик руҳига эга эди. Айнан шунинг учун Сартр инсоннинг ички олами, руҳиятини ташқи олам – борлиқдан ажратиб, уларни бир-бирига қарши қўяди. Сартр инсон ва борлиқни бирлаштирувчи илоҳий кучни рад этади. Камю ҳам бошқа экзистенциалистлар сингари ўз асарларида («Бегона», «Вабо») инсон борлиғини табиат ва умуман, борлиқдан ажратиб қўяди. Натижада инсон табиатни жонсиз, руҳсиз танадек тасаввур этиб, бу жонсиз табиатда ўз ўрнини топа олмай қолади. (Garb falsafasi. 2004:636-642)

НАТИЖА

Сипеҳрий инсон борлиғининг моҳиятига, ҳам борлиқнинг моҳиятига диққат-эътибор билан қарайди. Чунки унинг қарашлари дин ва иймон тушунчалари билан ҳамоҳанг ҳолда талқин этилади. У инсонни борлиқдан ажратмайди, аксинча, инсонни борлиқнинг бир бўлаги деб талқин қилишни ўз олдига мақсад қилиб олади. Сипеҳрий нигоҳида, борлиқ Худодан холи бўлмаганидек, Худо ҳам борлиқдан ташқарида эмас, балки унинг ўзидадир. Инсон ва борлиқ ўртасидаги азалий ва абадий ришта Сипеҳрийнинг алоҳида тўпламни ташкил этган шеъри «Сув одимининг садоси»да янада яққолроқ акс эттирилган. Айтиш мумкинки, Сипеҳрий бу шеърда инсон, табиат ва борлиқ ўртасидаги муносабатлар тизимини тасвирлаб берган. Бу узвий робита, ҳар бир инсоннинг асотирий даври – болаликдан бошланади. Шунинг учун бўлса керак, Сипеҳрий инсон, табиат ва борлиқ ўртасидаги алоқадорликни лирик қаҳрамоннинг болалик давридаги хотиралар билан боғлаб тасвирлайди:

باغ ما در طرف سایهٔ دانایی بود.
باغ ما جای گره خوردن احساس و گیاه،
باغ ما نقطهٔ برخورد نگاه و قفسو آئینه بود.
باغ ما شاید، قوسی از دایرهٔ سبز سعادت بود.
میوهٔ کال خدا را آن روز، می جویدم در خواب.
آب بی فلسفه می خوردم.
توت بی دانش می چیدم.
تا اناری ترکی بر می داشت، دست فوارهٔ خواهش می شد.
(Suhrab Sepehri. 1996:275)

Боғимиз донолик сояси томонда эди.

Бизнинг боғ ҳислар ва гиёҳлар туташган жойда,

Бизнинг боғ нигоҳ, қафас ва ойна бирлашган нуқтада эди.

Бизнинг боғ нур, қуш ва нигоҳ учрашган жойда эди.

Бизнинг боғ балким, саодатнинг яшил доирасин бир бўлаги эди.

Худонинг пишмаган мевасин

Ўша кунлар уйқумда чайнардим.

Фалсафасиз сув ичардим.

Билимсиз тут терардим.

Анор ёрилиб пишгач, қўл унга хоҳиш фаввораси бўларди

Сипеҳрий болалик даври билан боғлиқ хотираларни шеърга солар экан, албатта табиат ва борлиқдаги нарсалар ва ҳодисаларга мурожаат қилади. Айниқса, сув, ҳовуз, дарахт, гиёҳ, тут, боғ, тоғ, ўрмон, қуш, осмон, ой, ёмғир, ниначи, чумчуқ, ўрик, анор, бедана, олма, мойчечак, равоч, чуғурчиқ, лочин, шабнам, шамол, ёруғлик, қуёш… каби борлиқдаги нарса ва мавжудотлар Сипеҳрий болалик даврини тасвирлашда энг кўп қўллаган сўзлар ҳисобланади. Бу сўзлар гоҳида ўз маъносида, гоҳида эса мажозий маънода ишлатилганлиги билан ҳам алоҳида қадрлидир. Инсон фалсафасиз сув ичадиган даври[6], яъни болалик даврида борлиқдаги гўзал ва мусаффо нарсалар[7] каби мусаффо ва гўзал бўлади. Зеро, бу даврда инсон ҳали табиат ва борлиқдан узилмаган, ундан узоқлашмаган бўлади. Борлиқ, яъни инсонни ўраб олган нарсалар ва ҳодисалардан узилмаган инсон эса бахтиёр ҳаёт кечиради:

فکر، بازی می کرد.
زندگی چیزی بود، مثل یك بارش عید، یك چنار پرسار.
زندگی در آن وقت، صفی از نور و عرو سك بود.
یك بغل آزادی بود.
زندگی در آن وقت، حوض موسیقی بود.
طفل، پاورچین، پاورچین، دوُر شد کم کم در کوچهٔ سنجا قك ها
بار خود را بستم، رفتم از شهر خیالات سبك بیرون.
دلم از غربت سنجا قك پر.(Suhrab Sepehri. 1996:276)

Фикр ўйнарди.

Ҳаёт зўр ва у ажиб байрамга, чумчуқ тўла чинорга ўхшарди.

Ҳаёт ўша дамлар менга нур ва қўғирчоқлар қатори,

Бир қучоқ эркинлик эди.

Ҳаёт ўша дамларда, мусиқа ҳовузи эди.

Гўдаклигим аста-аста юриб ниначилар кўчасидан

секин-секин узоқлашди,

Мен ўз юкимни боғлаб хаёлот шаҳридан кетдим,

Кўнглимда ниначи фироқи.

Ковус Ҳасанлий Сипеҳрий тафаккурига хос хусусиятлардан бири – табиатдаги нарсалар ва ҳодисаларга урф бўлган одатдаги, анъанавий қарашлар асосида эмас, балки янгича нигоҳ, янгича нуқтаи назар билан, ғайриодатий мавқедан туриб баҳо бериш ва муносабатда бўлишини тўғри таъкидлаб ўтади. Бундай ҳолатни олим Сипеҳрийнинг орифона дунёқараши билан боғлайди.[4-211] Аммо бу ҳолат Сипеҳрийнинг сюрреалистик ифода услубига мойиллиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга Сипеҳрийнинг сюрреалистик тасвири ирфоний пойдеворга эга:

برّه ای را دیدم، باد بادك می خورد.
من الاغی دیدم، پنچه را می فهمید.
در چراگاه «نصیحت» گاوی دیدم سیر.
شاعری دیدم هنگام خطاب، به گل سوسن می گفت: «شما»
من کتابی دیدم، واژه هایش همه از جنس بلور.
کاغذی دیدم، از جنس بهار.
موزه ای دیدم دور از سبزه،
مسجدی دور از آب.

[6] Яъни сув ҳам муайян бир қонун-қоида билан муайян бир меъёрда ичилади. Масалан, қизиб турган пайтда совуқ сув ичган одам касал бўлиб қолиши мумкин.

[7] Масалан, гиёҳ, ўт, боғ, гул, сув, ҳовуз, ёруғлик, ой, қуёш, шабнам, ёмғир, осмон, қуш, каклик, ниначи...

سر بالین فقیهی نومید، کوزه ای دیدم لبریز سؤال.
قاطری دیدم بارش «انشا»
اشتری دیدم بارش سبد خالی «پند و امثال...»
عارفی دیدم بارش «تننا ها یا هو». (Suhrab Sepehri. 1996:278-279)

Варрак ямлаётган қўзичоқни,
Беда мазасини тушунадиган эшакни,
«Насиҳат» яйловида тўқ бир сигирни кўрдим.
Шоирни кўрдим, савсан гулига мурожаат қилганда уни «Сиз» дерди.
Сўзлари биллурдан терилган китобни,
Баҳордан ясалган қоғозни,
Майсалардан узоқ музейни,
Сувдан йироқ масжидни,
Ноумид фақиҳнинг ёстиғи устида, саволга лиммо-лим кўзани кўрдим.
Кўрдим «иншо» юклаб олган хачирни,
«Панду масал»нинг бўш саватин юклаб олган туяни,
Тонналаб «ё ҳу» юклаб олган орифни кўрдим. [5-46]

Сипеҳрий урф бўлган «одатлар пардаси»ни шунчаки сюрреалистик тасвирларни кўпайтириш ёки кучайтириш учун «йиртмайди». Балки унинг нигоҳида қотиб қолган урф-одатлар пардасини йиртиб, борлиққа, ҳаётга янгича нигоҳ билан қарай оладиган инсонгина табиат ва умуман борлиқ билан қайтадан узвий алоқа ўрнатиб, у билан воҳид бир вужудга айлана олиши мумкин:

چشم ها را باید شست، جور دیگر باید دید.
واژه ها را باید شست.
واژه ها باید خود باد، واژه ها باید خود با ران با شد.
چنر ها را باید بست،زیر باران باید رفت.
فکر را، خاطره را، زیر باران باید بُرد.
با همه مردم شهر، زیر باران باید رفت.
دوست را، زیر باران باید دید.
عشق را، زیر باران باید جُست.
زیر باران باید بازن خوابید.زیر باران باید بازی کرد.
زیر باران باید چیز نوشت، حرف زد، نیلوفر کاشت
زندگی تر شدن پی در پی
زندگی آب تنی کردن در حوضچهٔ «کنون» است. (Suhrab Sepehri. 1996:292)

Кўзларни ювмоқ, ўзгача кўрмоқ керак.
Сўзларни ювиш лозим.
Сўз ёмғирдек мусаффо бўлмоғи керак.
Соябонларни ёпмоқ,
Ёмғир остига бормоқ керак.
Фикрни, хотирани ёмғир остига келтирмоқ керак.
Шаҳарнинг барча аҳолиси билан ёмғир остига бормоқ керак.
Дўстни ёмғир остида кўрмоқ керак.
Ишқни ёмғир тагидан қидириш керак.
Аёл билан ёмғир остида юрмоқ керак.
Ёмғир остида сайр этмоқ керак.
Ёмғир остида нилуфар гулини экмоқ, гапирмоқ, бирор нарсани ёзмоқ лозим.
Ҳаёт ҳар лаҳзада ҳўл бўлишдир.
Ҳаёт «ҳозир» ҳовузчасида чўмилишдир.

Одатда одамлар ёмғирдан қочишади, ҳўл бўлиб қолишдан қўрқишади. Аммо Сипеҳрий, аксинча, ёмғир остида ҳўл бўлиш ва ҳамма нарсани ёмғир остида кўришни тавсия этади. «Ёмғир» бу ерда борлиқ символи, табиат «элчи»си. Ундан қочмаган ва қўрқмаган инсонгина у билан мулоқотга кириша олади. Фақат шу йўл билан инсон нафақат борлиқнинг асл моҳиятини англаши, маърифат этиши мумкин, балки ўз моҳиятини ҳам англаш даражасига етиши мумкин бўлади. Шу жиҳатдан ҳам, борлиқ деган тушунча Сипеҳрий нигоҳида «ҳақиқат» тушунчаси билан ҳамоҳанглик касб этади:

آسمان را بنشانیم میان دو هجای «هستی».
ریه را از ابدیت پُر خالی بکنیم.
بار دانش را از دوش پرستو به زمین بگذاریم.
نام راباز ستانیم از ابر،
از چنار، از چشه، از تابستان.
روی پای ترباران به بلندی محبّت برویم.
در به روی بشرو نورو گیاه و حشره باز کنیم. (Suhrab Sepehri. 1996:293)

“Борлиқ”нинг икки бўғини орасига осмонни жойлаштирайлик.

Ўпкани абадият-ла тўлдириб-бўшатиб турайлик.

Илм юкини қалдирғоч елкасидан ерга туширайлик.

Булутни, чинорни, чивинни, ёзни яна бир карра англайлик,

Ёмғирнинг намли қадами узра муҳаббат тепалигига чиқайлик.

Эшикни гиёҳ, ҳашорат, нур ва инсоният юзига очайлик.[8]

Борлиқ моҳиятини англаш орқали «ҳақиқат овози»ни эшитиш инсонни абадият билан боғлайди. Зотан, борлиқнинг ўзи абадиятдир.

ХУЛОСА

Юқорида айтилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Сипеҳрий инсон ва борлиқ ўртасидаги робита мазмунини ёритишда ғоявий йўналиш нуқтаи назаридан экзистенциализм фалсафасининг бадиий ижоддаги инъикосига таянади, аммо воқеа ва ҳодисаларнинг бадиий акс эттирилиши учун сюрреалистик тасвир йўналишини танлайди. Шоир инсон ва борлиқ ўртасидаги замонавий муаммолар гирдобида “асл моҳият” куйчиси сифатида майдонга чиқади.

[8] Барча шеърий таржималар муаллиф томондан бажарилган.

2. Шоирнинг инсон, борлиқ ва табиат ўртасидаги бадиий тафаккури бир неча босқичлар орқали яхлит ва якунланган тизим даражасига кўтарилади. Шоир биринчи босқичда натурфалсафа (Naturphilosophie) мавқеидан туриб, инсонни – микрокосмнинг, коинотни – макрокосмнинг бир бўлаги, ажралмас бир қисми сифатида талқин этади. Иккинчи босқичда эса ирфон фалсафасидаги «ваҳдати вужуд» назариясига мурожаат этиб, бу назариянинг янги формуласини яратади: инсон табиатнинг бир бўлаги, табиат эса борлиқ (макрокосм)нинг ичида жойлашган.

3. Инсон олдида эса азалий ва абадий вазифа қўйилган: борлиқни англаш орқали ўзини кашф этиш. Инсон фақат борлиқни кашф этиш йўли орқали ўзининг асл моҳияти ва табиатини кашф эта олади. Ўзини кашф этган инсон, «ҳақиқат изидан» боради, яъни «ирфон зинаси» - Худони англаш босқичига кўтарилади.

АДАБИЁТЛАР

1. اشوری داریوش. (۱۹۸۷) پیام در راه. – تهران، طهوری -ص۷۲.
2. اشوری داریوش، کرم امامی، حسین معسومی. (۱۹۹۲) پیام در راه. چاپ چهارم،- تهران، نشر طهوری -ص۲۲۱
3. Борев Ю.Б. (2003) Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь терминов. – М.: Изд. Астрель·АСТ,. – 575 с.
4. Бертельс Е.Э. (1965) Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, – С 523.
5. Бретон А. (1986) Манифест сюрреализма. // Называть вещи своими именами. –Москва.
6. Бабенко Л. Г. (2004) Филологический анализ текста. Основы теории, принципы и аспекты анализа. Учебник для вузов. – М.: Академический проект; Екатеринбург: Деловая книга, – 464 стр.
7. Введение в литературоведение. Под редакцией Л.В. Чернец. (2006) Издание второе, переработанное и дополненное. – М.: Высшая школа, – 680 с.
8. Голль И. (1986) Манифест сюрреализма // Называть вещи своими именами. – Москва.
9. Гусейнов Б.М. (1969) Новое и новаторское в современной персидской поэзии. // Теоретические проблемы восточных литератур. - М. – С. 34-37.
10. لنگرودی شمس. (۱۹۹۲) تاریخ تهلیل شعر نو. جلد چهار.- تهران: نشر مرکز، -ص۲۲
11. Islomov, Zohidjon (2019) “SOURCE STUDIES ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF “MUQADDIMATU-LADAB” IN FOREIGN ARCHIVAL FUNDS,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 41. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/41
12. Ismailova, Yulduz (2020) “CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 7.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
13. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
14. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
15. Nasirova, Malika (2019) «INCOMPLETE CONJUNCTION OF WORDS IN THE ARABIC GRAMMAR,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/15
16. Nizamova, Feruza (2019) “AMIR HUSRAF’S LITERARY HERITAGE IN APPLIED ART RITUALS,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 16. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/16
17. Rustamiy, Salima (2019) “ON SIGNIFICANCE OF SCIENCE OF BALĀĞAT IN ACHIEVING LINGUISTIC AND AESTHETIC PERFECTION,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 14. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/14
18. عابدی کامیار. (۲۰۰۰) سهراب سپهری. زندگی و آثار.- تهران، نشر ثالث، ص. ۵۷۹.
19. Oydin Ogdoshlu. (1997) Gorezon az jedol bo jahone magshush. Dar boge tanhoye. / Ispondono, Isfahon. -271b.
20. O`zME. (2002) 3-jild. – 392b.
21. Сартр Ж.П. (1953) Экзистенциализм — это гуманизм / Пер. с фр. М. Грецкого. - Изд-во иностр. лит -Moskva, -224b.
22. Umirzoqova N.T. (2005) Usmon Nosir she`riyatida ruhiyat tasviri // filolo.f.n.diss.avtoreferati. -Toshkent. -167b.
23. سپهری سهراب. (۱۹۹۶)هشت کتاب.- تهران: چاپ پانزدهم. نشر طهوری..ص. ۶۵۷
24. شمیسا سیروس. (۱۹۹۵) بیان معانی.- تهران: نشر فردوس. - ص ۶۴-۶۵
25. Shoaliyeva N. (2002) Qizil gulning siri: Suhrob Sipehri hayoti va ijodiga chizgilar / Yozuvchi. – Toshkent. – 94 b.
26. Shoaliyeva, Nargiza (2019) “SEVEN STAGES IN “MANTIC UT-TYRE” (“THE JOURNEY OF LOGIC”) BY ATTAR IN SUKHROB SIPEHRI’S POEM “ADRESS”,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/19
27. Garb falsafasi. (2004) O`zbekiston Faylasuflar Milliy jamiyati nashri / Sharq NMK, -Toshkent, -627b.
28. گونه های نوآوری در شعر معاصر ایران،.- (۲۰۰۴ تهران. نشر ثالث،. - ۴۹۶ص..

REFRENCES

1. Ashuri Doriyush, Karim Imomiy, Huseyn Ma`sumiy. (1992) Payomi dar roh / Tahuriy, Tehron - 221b.
2. Ashuri Doriyush (1978) Payomi dar roh . Tahuriy, Tehron 172b.

3. Borev Y.B. (2003) Estetika. Teoriya literature. Ensiklopedicheskiy slovar terminov. Moskva, izd. Astrel AST. -575s.
4. Bertels E. E. (1965) sufizm b sufiyskaya literatira. Moskva, Nauka. – 523s.
5. Breton A. (1986) Manifest surrealizma.// Nazivat veshi svoimi imenami. Moskva.
6. Babinko L.G. (2004) Filologicheskiy analiz teksta. Osnovi teorii prinsipi i aspekti analiza. Uchebnik dlya vuzov. Moskva, Akadademicheskiy proekt, Ekaterinburg, Delovaya kniga, -464s.
7. Vvedeniye v literaturovedeniye. Pod redaksiey L.V. Chernes. (2006) Izdaniye vtoroye, pererabotannoye I dopolnennoye, Moskva, Visshaya shkola, -680s.
8. Goll I. (1986) Manifest syurrealizm // Nazivat veshi svoimi imenami. Moskva.
9. Guseynov B.M. (1969) Novoye i navotorskoye v sovremennoy persidskoy poezii.// Teoriticheskiye problem vostochnix literatur. Moskva, - 34-37s.
10. Langrudi Shams. (1992) Torixe tahlili she`ri nov / jelde 4 Markaz, Tehron -365b.
11. Islomov, Zohidjon (2019) "SOURCE STUDIES ANALYSIS OF MANUSCRIPTS OF "MUQADDIMATU-LADAB" IN FOREIGN ARCHIVAL FUNDS," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 41. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/41
12. Ismailova, Yulduz (2020) "CROSS-LANGUAGE PHONETIC INTERFERENCE IN LEARNING THE ARABIC LANGUAGE," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 7. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/7
13. Ismailova, Y. A. (2019). The use of interactive methods in teaching students professional-oriented reading. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 209-213.
14. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
15. Nasirova, Malika (2019) «INCOMPLETE CONJUNCTION OF WORDS IN THE ARABIC GRAMMAR,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/15
16. Nizamova, Feruza (2019) "AMIR HUSRAF'S LITERARY HERITAGE IN APPLIED ART RITUALS," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 16. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/16
17. Rustamiy, Salima (2019) "ON SIGNIFICANCE OF SCIENCE OF BALĀĞAT IN ACHIEVING LINGUISTICAESTHETIC PERFECTION," The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 14. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/14
18. Obidiniy Komyor. (2000) Suhrab Sipehri / Soles, -Tehron.- 579b.
19. Oydin Ogdoshlu. (1997) Gorezon az jedol bo jahone magshush. Dar boge tanhoye. / Ispondono, Isfahon. -271b.
20. O`zME. (2002) 3-jild. – 392b.
21. Sartr J.P. (1953) Ekzistensializm – eto gumanizm / per. s fran. M. Greskogo. Moskva, izd-vo inostr. lit. – 224s.
22. Umirzoqova N.T. (2005) Usmon Nosir she`riyatida ruhiyat tasviri // filolo.f.n.diss.avtoreferati. -Toshkent. -167b.
23. Suhrab Sepehri. (1996) Hasht Ketob / Tahuri. -Tehran, -657b.
24. Shamiso Sirus. (1995) Bayon va ma`ni / Firdavs, - Tehron. -320b.
25. Shoaliyeva N. (2002) Qizil gulning siri: Suhrob Sipehri hayoti va ijodiga chizgilar / Yozuvchi. – Toshkent. – 94 b.
26. Shoaliyeva, Nargiza (2019) "SEVEN STAGES IN "MANTIC UT-TYRE" ("THE JOURNEY OF LOGIC") BY ATTAR IN SUKHROB SIPEHRI'S POEM "ADRESS"," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/19
27. Garb falsafasi. (2004) O`zbekiston Faylasuflar Milliy jamiyati nashri / Sharq NMK, -Toshkent, -627b.
28. Hasali Kovus. (2004) Gonehaye novovari lar she`ri muosire Iran / Soles, - Tehron. -492b.